

Ўзбекистон Миллий университети ректорининг
“_____” _____ 2020 йилдаги ___ сонли буйруғига
3-ИЛОВА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ЎҚУВ ЖАРАЁНИНИ МАСОФАВИЙ ТАШКИЛ ЭТИШ БЎЙИЧА
ЙЎРИҚНОМА
(ТАЛАБАЛАР УЧУН)

ТОШКЕНТ – 2020

Тузувчилар:

ЎзМУ ўқув ишлари бўйича
проректори

Д.Х.Джумабаев

ЎзМУ ўқув-услубий бошқарма
бошлиғи

Ж.А.Каримов

ЎзМУ магистратура бўлими
бошлиғи

Н.М.Мажидов

ЎзМУ сиртки бўлим бошлиғи

А.Инсопов

ЎзМУ ҳисоблаш математикаси ва
ахборот тизимлари кафедраси
мудири

М.Ў.Худойбергандов

ЎзМУ Ахборот хавфсизлиги
кафедраси катта ўқитувчиси

Р.Ҳ.Алаев

МУНДАРИЖА

КИРИШ	4
ЙЎРИҚНОМА.....	5
<i>1. Электрон таълим тизимида талаба.....</i>	<i>5</i>

КИРИШ

Масофавий таълим тизими Интернет орқали талабаларга таълим олишга имконият беради. Ўқув жараёнида ахборот технологиялардан фойдаланиши масофавий ўқитиш тизимининг асосий компоненталаридан бири саналади. Мазмун ва шакл жиҳатидан юқори даражали ўқув материаллар мустақил таълим жараёнини рағбатлантириш ҳисобига ўқув жараёни самарадорлигини оширади. Ўқитишнинг масофавий шакли, биринчи навбатда, ўқитувчи ва талабалар ўртасидаги ўзаро алоқага таянади.

Ушбу йўриқнома университет талабалари учун мўлжалланган бўлиб, унда масофавий таълим тизими билан таништирилади. Шу билан бирга, айнан масофадан ўқитиш учун мазкур тизимнинг барча имкониятлари ва курс элементларидан тўғри фойдаланиш мумкинлиги ҳақида батафсил баён этилади.

ЙЎРИҚНОМА

1. ЭЛЕКТРОН ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ТАЛАБА

Талабанинг масофавий таълим тизими бажарадиган ишлари:

1. Талаба ахборот тизимида ишлаш учун ўқув ишлари бўйича декан муовинидан ўзининг шахсий логин ва паролни олади.

2. Талаба логин ва пароли билан тизимга кириб жорий семестрда ўқитиладиган фанлар рўйхати, профессор-ўқитувчиларнинг(кафедра мудири) фамилияси, исми, шарифи, баҳолаш (рейтинг назорати) графиги ва натижалари билан танишади.

2.1. Семестр давомида муайян фан ўқув машғулоти мазмуни билан танишади.

2.2. Фаннинг маъруза матни, презентацияси ва назорат саволлари билан танишади.

2.3. Амалий машғулотда аудитория ва уйда бажариладиган топшириқлар, уларни бажариш бўйича кўрсатмалар билан танишади.

2.4. Асосий ва қўшимча адабиётлар рўйхати билан танишади.

2.5. Машғулотга тегишли видео файллар ва қўшимча материаллар (фан ўқитувчиси томонидан тизимга жойлаштирилган бўлса) билан танишади.

3. Талабанинг ўқув жараёнидаги вазифалари:

3.1. Машғулот бўйича берилган топшириқга бевосита тизимдаги интерфейс орқали жавоб беради.


3.2. Фан бўйича ўзи топширган назоратлар натижаси билан танишиб боради.

3.3. Муайян фан бўйича фан ўқитувчисидан белгиланган вақтда (телеграмм, электрон почта орқали) маслаҳат олади.


3.4. Университет ахборот ресурс марказидаги адабиётлардан фойдаланади.

Ушбу йўриқномада ЎзМУ масофавий таълим тизимида талабаларнинг дастурий таъминотдан фойдаланиш тартиби келтирилган.


Ҳар бир талаба ўзига бириктирилган логин ва парол асосида ахборот тизимида рўйхатдан ўтиши лозим. Бунинг учун талаба Ўзбекистон Миллий университети сайтининг **масофавий ўқитиш тизими** бўлимига кириши лозим




Масофавий таълим тизимига талаба унга берилган шахсий логин, парол билан киради.




Шундан сўнг талаба тўғрисидаги маълумот ва жорий семестрда ўтиладиган фанлар рўйхати, маъруза соати ва ҳ.к. маълумот келтирилган ойнага ўтилади. Фан бўйича машғулотларга ўтиш учун ушбу фан қаторидаги батафсил тугмасига сичқонча кўрсаткичи босилади.




Натижада фанда машғулотлар рўйхати келтирилган ойнага ўтилади. Ҳар бир дарс машғулотига унинг материаллари (маъруза матни, амалий топширик бўйича кўрсатма, презентация, видео файллар ва топшириқлар) жойлаштирилган.




Ушбу материаллар билан танишиш учун сичқонча кўрсаткичини унинг устига босиб, файлни юклаб олиш зарур. Материаллар билан тўлиқ танишиб чиқгандан сўнг топшириқлар тугмасига ўтилади.



Жорий машғулот учун берилган топширик тўғрисида маълумот берилган (топширик учун максимал балл 5 балл, топшириқни қайта топширишлар сони 11 марта ва талаба 3 марта топшириқни топширганлиги). Талаба топшириқ мазмуни билан танишиб бўлгач, жавобни файл кўринишида тайёрлайди(масалан жавобни word файлда ёки видео файл ва ҳ.к.).



Изоҳ деб ёзилган жойга матн ёзиш имкони мавжуд. Файлни танлаш тугмаси ёрдамида жавоб тайёрланган файл тизимга тикилади ва топшириш тугмаси босилади. Тизим бу файлни ўқитувчига етказди. Ўқитувчи талаба жавобига баҳо қўйгандан сўнг унинг натижаси қуйидаги тарзда талабага тақдим этилади.



Талабанинг ҳаб бир қайта топширишига алоҳида балл қўйиб борилади ва охирида ўқитувчи томонидан якуний баҳо қўйилади. Асосан охириги топширган баҳо талаба электрон рейтинг дафтарчасига тушади.